

“ОЛИМ – ОЛАМДИР”

Еттинчи кун

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Раҳмон ва Раҳим Оллоҳ номи ила.

Ҳар бир инсон тақдирида нималар рўй беражагини биладиган, ҳар бир инсон тақдирини унинг феълига кўра яратган, инсоннинг феълини ҳам, тақдирини ҳам Ўзи яратиб, инсонга ихтиёр қисмини берган, бутун оламини Ўз ҳикмати ила ўраб олган, балки бутун оламини Ўз ҳикмати ила йўқлик зулматидан борлик тонгига олиб чиққан, ҳар қандай ақл ва идрокдан Ўз Зоти ва сифоти билан юқори турадиган, замон ва макондан муназзаҳ бўлган мутлақ қудрат эгаси Оллоҳ таолога чексиз ҳамду саноларимиз бўлсин.

Инсон боласи бўлиб туғилишлари инсоният учун шараф саналган, икки дунё илмини ўзида жам қилган, инсон ақли етиши мумкин бўлган ҳамма нарсани англаган, Оллоҳнинг ҳабиби бўла туриб энг кўп кўрқув ҳис этган, ҳаё ва сабр бобида умматга, балки бутун инсониятга ўрناк бўлган, айтган муборак сўзлари икки дунёда ҳам қиймат йўқотмайдиган, пайғамбарлар султони, анбиё хотами Муҳаммад Мустафо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ададсиз дуруд ва саловотларимиз бўлсин.

Кечагина Рамазоннинг остонасида эдик. Рамазоннинг биринчи кунини бошланди дея бу ой шарафи ва иззатини ҳис этиб, юракларимиз тўлқинланиб ибодат, итоат, муҳаббат, саховат ойига тайёр эдик. Бугун бу табаррук ойнинг еттинчи кунини ниҳоясига етди. Ифторликлар қилдик, томирларимизга сувлар етиб борди, ташналик чекинди, кун бўйи вужудимиз, нафсимиз чеккан машаққат сўнгида бу каби

ажиб неъматланиш ила қалбимизда бетакрор фараҳ уйғонди, Алҳамдулиллаҳ.

Ўтаётган Рамазоннинг кунлари қалбимизни қанчалик шодлантирса, шунчалик ғамгин ҳам қилади.



Чунки кунларини ортда қолдириб Вақт йўлагиде илдамлаб кетаётган Рамазоннинг кадрини ҳамон била олмаётгандекмиз. Ҳамон унинг қийматини тўла англамай, итоат ва ибодатда суслик қилаётгандекмиз... Оллоҳим, бизга бу ойнинг шараф ва баракотидан мўл-кўл насиба ато эт!

Зумар сурасининг 9-оятда улкан бир маъно мужассам: “Ўқиганлар билан ўқимаганлар тенгми?!”

Шубҳасиз, ўқиганлар билан ўқимаганлар тенг эмас. Шарафда ҳам, иззатда ҳам, кенгликда ҳам, улуғликда ҳам ўқимаганлар ўқиганлар билан тенг кела олмайди. Чунки Оллоҳ таолонинг Ўзи ўқиганларнинг кадрини баланд кўтариб қўйди. Аммо банданинг одати шуки, Отаси жаннатдан итоатсизлик қилиб чиққани каби шараф поясидан хорлик чоҳига ўзини отади. Яъни Оллоҳ таоло илм билан бирор кишини шарафлантиради, аммо у бу

шарафни ҳис этмайди ва ўз шаънига мувофиқ келмайдиган ишларни қилиб, номига доғ туширади.

Олимнинг шарафига мос келмайдиган ишлар ҳақида бироз суҳбатлашсак. Чунки бугун ана ўша ишлар сабабли кўплаб илм эгалари

ш а р а ф с и з л и к к а маҳкум бўлмоқдалар.

Олимнинг шарафи – жасоратдир, ҳақни ботилдан ажратиб, бошқаларга бунит ушунтиришдир. Олим ҳеч қачон ўз нафси олдида тиз чўкмаслиги керак. Нафс ҳар бир инсондан хорликни талаб қилади. Олим ўзидаги илмнинг қийматини билиши лозим.

Илмнинг қиймати нима? Олим билганларини эмас, билмаганларини кўра билиши шарт. Ана шу илмнинг қийматидир. Бу олимни кибрдан қайтаради, адашишдан сақлайди. Аммо олим ўзидаги илмни сотиш, бу илм воситасида обрў ва мол-давлат орттириш ниятида бўлмаслиги фарз. Олим қачонки бойларнинг, илмсиз зодагонларнинг, илмсиз султонларнинг остонасига бош уриб борса, ўзини шу остонага лойиқ кўрса, унинг гаплари қайрилади, тақвосига дарз кетади. Олим – илм эгаси икки дунё ҳақиқатини англаган ва шунга мувофиқ шаклда иш юритадиган инсондир.

Олим Оллоҳнинг биру борлигини биледи, ўзидаги илмни тасарруф қилар экан, бу тасарруфи учун Оллоҳга жавоб беражагини тушунади, шунинг учун ўзи тўғри деб билган қонунлар асосида яшайди, бу қонунлардан заррача (Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

оғишмайди, одамларни ҳам ҳаққа, тўғрилиққа буюради.

Олим пул илинжида номусини сотмайди, ҳеч қачон ўз муҳтожлигини бегоналарга ошкор қилмайди, ейишга нони, ичишга суви қолмас ҳам, ғурурини бой бермайди, балки муносиб шаклда уни ҳимоя қилади. Бу ҳимоя айна иймоннинг далолати бўлади. Оллоҳ таоло бунинг учун олимнинг



ризикини кенг қилиб қўяди. Бироқ олим ўз ризиқини бошқаларнинг қўлидан келишига ишонса, ўзини ҳам, халқини ҳам хор қилади.

Тарих орқали биз таниган буюк олимларнинг ҳеч бири султонлари эшигини супурмаганлар, кадр шарафини ҳимоя қилиб яшаб ўтишган.

Олимнинг елкасида жуда катта вазифаларнинг иккитасини санаб ўтмоқчимиз: 1) билганига амал қилиш; 2) илмни бошқаларга етказиш.

Бугун олимларимиз бу икки шартни унутиб қўйгандек туюладилар. Ё улар шу икки шартнинг аниқ биттасини бажаришмаяпти. Чунки ўлкамиздаги зулм, кўзга кўринмайдиган, халқни маст қилиб қўйган зулм, миллат қалбининг кўрлиги ана шу ҳақиқатни кўрсатмоқда.

Олимларимиз – қайси соҳада бўлмасинлар ўзлари билган, ўзлари гапирётган насиҳатларга амал қилмаяптилар, ўзлари китоб қилиб ёзиб ташлаётган қонунларни шахсий ҳаётларига татбиқ қилишмаяпти. Албатта, одамлар олимнинг ортидан пойлаб, бу ўз айтганига амал қиляпти, биз ҳам шундай қиламиз дейишмайди. Бу бошқача тарзда рўй беради. Ғайриоддий шаклда.

Масалан, бир олам ёлғоннинг офаги, ғийбатнинг касофати ҳақида ҳам жуда гўзал нутқ ўқийди. Бироқ минбардан тушгани заҳоти ёлғон сўз ишлатади, кимнидир ғийбат қилади. Албатта, буни ҳеч ким билмайди Оллоҳдан бўлак.

Бир аллома намознинг фазилатини гапиради, намозни улуғлайди, бироқ ўзи ёлғиз қолса, намозни қазо қиладиган даражада кечиктириб ўқийди, намозини худди дон чўқиб турган хўроз каби адо қилади. Буни ҳам ҳеч ким сезмайди Оллоҳдан бўлак.

Бироқ унинг сеҳрли маърузаларни одамлар қанчалик тинглаб маст бўлмасинлар, ҳеч бирлари ёлғондан, ғийбатдан тийилмайдилар, намозларини ўз вақтида адо қилишга шошилмайдилар. Уларда бирор ижобий ўзгариш зоҳир бўлмайди. Нима учун? Чунки насиҳатгўй – носихнинг асл аҳволини билиб турган Оллоҳ ўз адолатини кўрсатади: беамал олимнинг гапи ҳеч қачон қавмга таъсир этмайди.

Бугун биз юртимиздаги зулмдан, адолатсизликдан озор чекар эканмиз, золимдан қутулишни истар эканмиз, золимни ҳам, мазлумни айблашимиз ҳамма ҳолларда тўғри бўлавермайди. Бир-биримизнинг айбларимизни излаб, ҳақоратларга кўмилиб яшашимиз ҳам маъқул эмас. Дуоларимиз қабул бўлмаяптими? Айбни халқдан изламаслик лозим.

Ўйлаб кўрайлик-чи, одамларни инсофга чорлар эканмиз, ўзимиз инсофсизлик қилмаяпмизми? Адолатдан сўйлаб, адолатсизликка йўл қўймапмизми?

Сизинсофсизликни, адолатсизликни халққа, бегоналарга кўрсатишингиз шарт эмас, оилангизга, ота-онангизга, хотинингизга, фарзандларингизга

қиладиган адолатсизлигингиз, инсофсизлигингиз ҳам етарли. Оллоҳ бу амалларингизни шундай тўсиққа айлантирадики, бошқа мақсадларга ета олмайсиз, Ўзи паноҳ берсин.

Балки Ватанимиз, халқимизнинг зулматдан ёруғликка чиқа олмаётгани учун биз – ҳар биримиз айбдор бўлсак-чи! Ҳар биримиз жавобгардирмиз!

Намозларимиздаги қусур, тилимиздаги ғийбат ва ёлғон, беҳуда жанжал ва тортишувлар, ўзгалар кўнглига етказганимиз озор, фақатгина ўзимизни ҳақ деб билишимиз – шу ва шу кабиларнинг ҳаммаси бизнинг кучимизни қирқиб қўйгандир! Асли, золим ва хоинларда куч бўлмайди, уларга Оллоҳ ҳеч қачон куч ва қудратни бермайди, аммо биз – ўзимизни ҳақ ва жабрдийда санайдиган қавм, мусулмонлар қавми ўзимизга берилган куч-қудратнинг нима эканини англаган ҳолда уни бой берамиз. Бизнинг кучимиз – илм, ибодат, Оллоҳга тоат, ҳақдан юз бурмаслик, ботилга изн бермасликдир. Биз буларни била туриб, ҳеч бирига амал қилмаймиз ва золимнинг ўламан деб турган танаси олдида ожиз қоламиз.

Олим – оламдир. Олимда кечган нарсалар, оламда акс этади. Агар қайси юртнинг олимлари тақволи, эътиқодли, аҳди мустаҳкам, қатъиятли бўлса, бу ўлкада ҳеч қачон ноҳақликка йўл қўйилмайди, жоҳилликка ўрин топилмайди. Аммо аксинча бўлса, аксини кўрамыз, табиий.

Олим ўз илмига мағрурланса, меҳру муруватни яқинларига лутф кўрсатишдан бошламаса, ўз жони эвазига бошқаларнинг жонини қутқармаса, устоз бўлиб шогирдларга ўзини фидо этмаса, бу юртда қандай қилиб барака бўлсин! Дин ва диёнат ривож топсин! Ҳалоллик яшаб қолсин!

Олимнинг кўзига биладиганлари
(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
кўрина бошлаган ондан бошлаб унинг кўзлари кўр бўлади. Олим қачонки билмайдиганларини кўра бошласа, у деворлар ортини ҳам яққол кўра олади.

Бугун бизнинг кўзларимиз ўзимиз олган илмларни улкан дея кўришдан нари ўтмайди, басиратимиз сўқир бўлган. Шунинг учун беҳуда баҳс қиламиз, каттани катта, ёшни ёш демай таҳқирлашдан-да чекинмаймиз. Олимлари шундай юрт қандай қилиб ислоҳ бўлсин? Олимлари паст кетган юртнинг золимлари тахтга чиқади-да!

Олимни олам дедик. Эй олам! Ўзингни ўнглаб ол, йўкса, хароб бўласан!

Оллоҳим!

Мен сенинг ожиз, нотавон, шикаста қулингман. Ўзи беамал бўла туриб, бошқалардан амал талаб қилаётган мунофиқман. Бу – менинг ожизлигимни, сенга бўлган таслимиятимни тасдиқ этади. Зотан, мен ўзгаларга насиҳат қилиш орқали ўзимга насиҳат қиламан. Сен берган умр водийсида Сенинг амрингга итоат этиш учун бир йўл излайман. Шу йўлни топиш илинжида, топсам, бу йўлдан адашмай юриш илинжида шундай сўзларни ёзаман. Сен бу сўзларни яхшиликка буюр!

Оллоҳим!

Илм эгаси бўлган ҳар бир инсонга инсоф, иймон бер. Илмни фақат Сен учун ўрганиш саодатини ато қил! Жаҳолатнинг коронғу ботқоқларида бизни ёлғиз қолдирма! Ватанимизни, диёримизни илм ўлкаси, илм диёри қил. Ҳар бир олимни ўз илмига амал қилиш бахтидан баҳраманд қил!

Оллоҳим!

Чексиз раҳмат Соҳиби Сенсан, чексиз лутф Соҳиби Сенсан, Сенга муҳтож бўлган, чумоли каби заиф ва бечораҳол қулинг менман. Ўз марҳаматингни, карам ва лутфингни забун қулларингдан дариф тутма!..

Абдуллоҳ Нусрат

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида тафтиш



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида молиявий хўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказишган.

Текширув давомида институт мансабдор шахслари бюджет интизомини бузиб, 2012-2014 йиллар ва 2015 йилнинг 9 оyi давомида бюджетдан ажратилган жами 118 млн. сўм пул маблағларини мақсадсиз ортиқча сарфлаганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий Университетининг №07-4265-сонли эксперт хулосасида институт томонидан 2012-2014 йиллар ва 2015 йилнинг 9 оyi давомида тадқиқот учун бюджетдан ажратилган 284 млн. сўмлик 6 та илмий тадқиқот лойиҳалари салбий баҳоланди. Ушбу пул маблағлари мақсадсиз сарфланганлиги аниқланган.

Мазкур тадқиқот натижасида Алишер Навоийнинг Лайли ва Мажнун, Садди Искандарий, Фарход ва Ширин, Ҳайратул Аброр ва Саббаи Сайёр дostonлари 2006 йилда Ғофур

Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан Алишер Навоийнинг ўн жилдлик тўла асарлар тўпламининг олтинчи жилдида Ҳайратул Аброр, Фарход ва Ширин, маъсул муҳаррир Иброҳим Ҳаққул бўлган етинчи жилдида Лайли ва Мажнун, Сабаъи-сайёр, саккизинчи жилдида Садди Искандарий ҳамсалар маъсул муҳаррири Ваҳоб Рахмоновларнинг ижодий меҳнати сўзма-сўз кўчирилиб нашр этилганлиги, ҳамда 2013 йилги ҳамсаларни нашр этилишида Ўзбекистон Республикасининг 20.07.2006 йилги Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонун талабларига риоя этилмаганлиги аниқланган.

Ҳозирги вақтда жиноят иши бўйича олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида маъсул муҳаррир Сайфиддин Рафиддинов фаолияти тафтиш этилмоқда.

Қайд этилган қонунбузарлик 2013 йилда Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Бундан бир неча йиллар аввал америкалик киноижодкорлар томонидан яратилган “Сен уйкудалигингда” деган филмни кўрган эдим.

Воқеа қахрамони (актриса Сандра Баллок) йигит билан

Тошкентдан мактублар: Ҳожатхонага паспорт билан



гаплашаётиб, “Доим чўнтагимда паспортимни олиб юраман. Чунки кимдир Италия саёҳатига таклиф қилиб қолса, паспорт олиш учун уйга бориб вақт йўқотмаслик учун”, дейди.

Бугун Ўзбекистонда ҳам ҳамма паспортини чўнтагига солиб юради. Йўқ, сиз ўйламанг, ўзбекистонликларнинг ҳаммаси осонгина саёҳатга учиб кетади ёки ўзбеклар ҳам Сандра Баллок каби хаёлпараст экан, деб.

Аслида гап бошқа ёқда.

Нима учунлигини билмайман, аммо бир вилоятдан иккинчи вилоят худудига ўтиш, давлат ташкилотларига кириш, метрога тушиш учун ҳам паспортингиз бўлиши керак. Бу қонун-қоидани ким, қачон, нима учун чиқарганлигини ҳеч ким билмайди, аммо банк эшиги тагида турган милиция формасидаги хизматчилар ҳам, вилоятдан вилоятга ўтиш

жойидаги “постлар”да турган аскар кийимидаги йигитлар ҳам паспортингизни албатта текширишади.

Мени ҳайрон қолдирадиган бир жиҳат улар паспорт эгасининг кимлигига мутлақо

қизиқмаслиги. Паспортнинг расми бор жойини бир кўриб кўйса бўлди.

Ё уларнинг хотираси фотохотира ё-да миллионга одамдан биттасида учрайдиган, яна исм фамилияларни сониялар ичида ёд олиш қобилиятига эга аллақандай фавқуллодда истеъдод соҳиби улар.

Тошкентда-ку, яшаб бўлмай қолди. Худони берган куни паспорт текшириш, прописка текшириш. Уйига келган меҳмонлар ҳақида соатлаб тушунтириш бериш ва тушунтириш хати ёзиб ўтириш кўпчиликнинг асабини эғовлаётганига ҳам кўп вақт бўлиб қолди.

— Уй хўжайинининг номида, — дейди тошкентлик аёллардан бири, - 35 йиллар аввал вилоятдан кўчиб келганмиз. Шу кунгача турмуш ўртоғимнинг ва менинг укаларим, сингилларим, жиянларим,

амма- холаларимизнинг фарзандларидан кўплари Тошкентда ўқиб, бизнинг уйида яшаб кетишди. Сўнги уч-тўрт йилдан буён ўқиш учун келган жиянларимга ҳам, бизга ҳам кун йўқ. Ҳар куни эшик қўнғироғи жиринглаган, маҳалла фаоллари келган, мен уларга тушунтириш хати ёзиб берган. Жиянимни ётоқхонага чиқиб кет, деёлмайман. Акам, опам, қайнопам, қайноғам хафа бўлади “битта мени болам уйингга сизмай қолдимиз”, деб. Паспорт сумкамиздан тушмайди. Қаерга борсак, биринчи паспорт кўрсатишимиз керак. Билмадим, бу туришда яқин беш-олти ойда жамоат ҳожатхоналарига ҳам паспорт кўрсатиб кирамизми?..

Яқинда жияним Фарғонадаги ёшларнинг энг катта байрами — “Универсиада”дан қайтиб келди.

Унинг айтишича, 20 минг томошабин сиғадиган стадионда спорт мусобақасининг очилиш маросими ўтказилибди.

20 минг фарғоналик ўша куни қўлларида паспорт ва таклифнома билан битта-битта текширилиб, кейин стадионга кўйилибди.

Тошкент ҳақида гапирмай кўяқолай. Айниқса, ҳозир. Айниқса, Шанхай саммити олдидан.

Пойтахтдан «келгиндилар» тугул, у ерда вақтинча пропискиси бор талабалар ҳам апил-тапил имтиҳонлар топширилиб, нон шаҳридан бадарға қилинди.

Аллақачон паспорт шахрига ҳам айланиб улгурган Тошкентимиздан.

Адолат Тошканбой қизи

Манба: bbc.com/uzbek

Жаслик қамоқхонасида миллатчилик асосидаги қийноқлар авж олган

Бугун Қорақолпоғистон худудида жойлашган Жаслик махсус жазони ижро этиш муассасасида маҳбусларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлишдан ташқари маҳкумларни Қорақолпоғистон Автоном Республикасининг мадҳиясини ўқиб, ҳамда ёд олинишини жисмоний зўрликлар кўрсатиб, талаб қилинмоқда.



Маҳкумларнинг аксарияти қарақалпоқ тилини билмаслиги ва ёд ололмаглиги оқибатида махсус калонна ходимлари томонидан сурункали жисмоний босимлар ўтказиб келинапти. Жазони ижро этиш муассаса ходимлари Ўзбекистон мадҳиясини рад этган ҳолда Қорақалпоқ мадҳиясини устивор кўйиб, ёд ололмаётган маҳкумларга индивидуал тартибда жисмоний азоб бермоқда.

Айтиш жоизки, ушбу махсус калоннада хизмат кўрсатаётган ходимларнинг аксарияти қарақалпоқ миллатига мансуб. Уларнинг миллатчилик асосида қилаётган бундай ҳаракатларига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жазони ижро этиш бошқармаси ҳеч қандай муносабат билдирмаётганлиги таъкидланмоқда.

Мазкур талаб ортидан маҳкумлар орасида қарақалпоқ миллатига нафрат тобора оритб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ЎХХ хабарлар бўлими



Алихонтўра Соғуний қай тарзда ўғирлаб кетилган эди?

Алихонтўра Соғуний (1885—1976-йиллар) XX аср Туркистон ва Шарқий Туркистон халқлари ҳаётида чуқур из қолдирган давлат арбоби, йирик аллома, адиб, шоир ва уламолардан биридир. У ўз ҳаётини бошдан-оёқ Туркистоннинг озодлиги ва мустақиллиги учун бағишлади. Унинг барча асарлари ҳам бевосита ёхуд билвосита тўла озодлик ишига хизмат қилади. Мустақилликни орзулаб ёзилган унинг мағиздор ва доно асарлари ниҳоят озодлик кунларига етиб рўёбга чиқаяпти. Ушбу мақола ўқувчиларимизга улкан аллома ҳақида бироз бўлса-да, тасаввур беради, деб умид қиламиз.

Ҳаётда шундай инсонлар бўлар эканки, улар тирикликларида ёқиб кетган маърифат машғаллари замонлар ўтиши билан тобора ёрқинроқ алангланади. Дарҳақиқат, Муҳаммад алайҳиссалом сўзлари билан қайд этилгандек, “инсонларнинг яхшилари — фаришталардан ҳам аъло”. Баъзи буюк инсонлар халқ орасида ҳокисорлик билан камтарона яшаб ўтиб кетадилар. Аммо кейинчалик эса уларнинг нақадар азиз ва қайтарилмас эканликлари, ўз халқи ва ватани учун нечоғлиқ қайғургани, пок эътиқодва миллат учун ҳатто ўлимга ҳам тик бокиб, ҳаётини неча юз бора хавф-хатарга солганликлари

ҳис этила бошланади. Улар яратиб кетган маънавий бойлик ўз халқига то абад мерос бўлиб қолади, неча-неча авлод бундан баҳраманд бўлади.

Ана шундай буюк инсонлардан бири Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғунийдир.

Алихонтўра 1885 йили 21 мартда собиқ Туркистон ўлкасининг Тўқмоқ шаҳрида ўзбек оиласида дунёга келди. Адабий таҳаллуси она шаҳрининг қадимий номи Боласоғун билан боғлиқ (ҳозир Қирғизистон жумҳурияти худудида).

Бобом болалиқлариданок зийраклиги, ўқувчанлиги, ҳар нарсани ўз моҳияти билан тушуниб, фикрлай олиши ва айниқса, олий даражадаги қувваи хофизаси билан ўз ака-укаларидан ажралиб турган. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашим жоиз. Камина ана шу буюк инсон тарбиясидан баҳраманд бўлган набиралардан эрурман. Бобом ҳақида ёзиш мен учун нафадар шарафли бўлиши билан бир қаторда, ўта масъулиятли ҳамдирки, сабаби, берадиган маълумотлари иложи борича ҳолис бўлмоғи лозим.

Катта бобомиз Шокирхонтўра ўқимишли, оқил, маърифатпарвар киши бўлган экан, шу сабабдан иккинчи ўғлидаги қобилиятни сезгач, бобомни Арабистонга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
ўқишга юборган. Мадинада ўқиб қайтгач, ўша давр илм-фанига чанқок, ижтимоий воқеликни тушуниб етган фазл-карамли йигит қалбида она-Вагани мазлум Туркистонга, аросатда яшаб келаётган жафокаш халқига хизмат қилиш ҳисси туғён урган.

Шу вақтдан бошлаб Алихонтўра ҳоким маъмурият маҳфий полицияси таъқибида бўлади. Негаки, 1914 йили чор ҳукуматининг мардикорликка олиш сиёсатига оммавий қарши чиқишларда ҳамда қирғиз халқининг 1916 йилги кўзғолонида фаол иштирок этган.

Алихонтўранинг ёшлиқдан асл мақсади чинакам илм соҳиби бўлиш экан:

“Ал илму фис сиғари кан нақши алал хажари”,
яъни “Ёшлиқда эгалланган билим — тошга ўйилган нақш” шиори бобомнинг жамики ёшларга қилган даъват-чақириғи эди. у киши ҳадис, тафсир, эътикод, ихлос, тақво ва фикҳ илмларининг алломаси бўлиш билан бир қаторда математика, астрономия, табиатшунослик, тиббиёт, доришунослик ва ҳарбий иш соҳаларини ҳам мукаммал ўрганди. Бобом мусиқа назарияси бўйича ҳам мутахассис эди. Ўрта асрнинг улуғ олими Дарвеш Али Чангийнинг “Мусиқа рисоласини” ўзбекчага форсийдан таржима қилган.

Бир воқеа эсимда: ёшлигимизда кичик ўғиллари, амаким Қутлуғхон билан Ғарбнинг замонавий мусикаларидан эшитиб, ҳордиқ чиқарар эдик. Бир пайт ховлидан бобомнинг товуши келди, қарасам, дераза тагида турибди. “Ҳозиргина тугаган куйни қайтадан кўйчи” деди. Саксофон, флейта ва соло гитарада ижро этилган ажиб куй барчамизни сеҳрлаган эди. Кейинроқ билсам, мусиқа ноталарини жуда яхши тушунар экан. “Инсонлар ва ҳайвонларнинг товушини (фонетикасини) қоғозга тўғри тушира билиш, бу бир олам, катта бир илм ҳисобланади”, деганди у киши.

“Tafsilot.uz” маълумоти:

Алихонтўра Соғуний Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида, Мадина мунавварадаги дорулфунунлардан бирида таҳсил олган. У кироат, тафсир, ҳадис, фикҳ, наҳв, балоғат, мантик, табобат, тарих, сийрат, жўғрофия, назму наср ва бошқа фанлар бўйича ҳам етук мутахассис бўлиб етишган.

Китоблари:

“Тарихи Муҳаммадий” (1959 йили ёзиб тугатилган);

“Туркистон қайғуси” (1966-

Шарқий Туркистондаги хитой маъмуриятини доводирати қўйган ва улар Алихонтўрани қамокқа олганлар. Тўрт йилдан кўпроқ қамокдалиқ пайтидаёқ озодлик ҳаракати билан боғланиб турган. Ниҳоят, турмадан бўшатилгач, ўз мафкуравий йўлидан бирор қадам ҳам чекинмаган оташин фарзандини халқ чин қаҳрамон сифатида кутиб олади.

Бобом бошчилигида 1944 йил 7–10 ноябрда Ғулжа курулли кўзғалони ғалаба қозонади. Ўзбекистонга нисбатан бир неча



1973 йиллар орасида Тошкентда ёзилган);

“Девони Соғуний” (шеърӣ тўплам);

“Шифо ул-илал” («Хасталиклар давоси») ва бошқалар.

“Наводир ул-ва”;

“Мусиқа рисоласи” (Дарвеш Али Чангий);

“Бухоро ва Мовароуннаҳр тарихи” (Ҳерман Вамбери);

“Темур Тузуклари” (форсийдан таржима) ва бошқалар.

Ёшпа қирғинбарот ва зўрлик авж олиб, большевик ҳукумати ҳур фикрли зиёли кишиларимизни ваҳшийларча қириб, қамай бошлаган кезде бобом оиласи билан Хитойга ўтиб кетган. Ваҳоланки, 1937 йилининг совуқ шамоли у ёқларга ҳам етиб борганди. Билимдонлиги, ҳалоллиги, жасурлиги ҳамда қудрати билан халқни ўз орқасидан эргаштира олганлиги Сталин таъсирида бўлган

баробар катта келадиган ҳудудда уйғур, қозоқ, ўзбек, қирғиз, татар ва дўнган халқларини мустаҳкам ишонч ва диний биродарлик асосида бирлаштирган Шарқий Туркистон жумҳурияти барпо этилади. Чанқайши ва гоминданчиларнинг 100 минг кишилик армияси кетма-кет бўлган шиддатли жангларда тор-мор этилади.

Халқ ва армия олдидаги хизматлари учун Алихонтўра бобомга маршал унвони берилади.

Совет Иттифоқининг шундай бикинида вужудга келган, кўпгина мамлакатлар тан олиши муқаррар бўлиб қолган Шарқий Туркистон аталмиш мусулмон давлати қонхўр Сталинни даҳшатга солган эди. Шу сабабдан Сталиннинг фосиқларча тузган режаси ва большевистик руҳда амалга оширилган сиёсий найранг оқибатида Алихонтўра 1946 йил 28 июнда Ғулжа шаҳридан ўғринча Тошкентга келтирилади.
(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Халқнинг: “Жумхур раис қаерда?” деган саволларига совет элчихонаси ёлғон жавоблар беради.

Ўшанда ўн минглаб жонфидо ватанпарварлару неча миллион озод Шарқий Туркистон халқи мунгайиб қолаверган. Бобом оиласи билан дастлаб Марказқўм боғида яшаган. Маршалга кўз-қулоқ бўлиб туриш “халқлар отаси” томонидан шахсан Усмон Юсуповга топширилган экан.

Шундай қилиб, фаол сиёсатдан воз кечишга мажбур этилган, қалби қайғу-ҳасрату, дарду аламга тўлган, аммо ўз эътиқоди, ўз мафқурасидан заррача воз кечмаган жафокаш инсон илму фан тадқиқотларига шўнғиб кетади.

Аллоҳ таолодин берилган ақл-заковатини, ғайрат-шижоату иқтидорини бутунлай ижодга баҳшида қилади.

Пировард-натижада авлодлар учун катта маънавий бойлик бўлиб қолган бебаҳо асарлар яратилади, форс ва араб тилларидаги бир қатор нодир асарлар ўзбек тилига таржима қилинади.

Бобомнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятлари ҳақида эндиликда матбуотда кенг ва атрофлича маълумотлар берилаётир. ШУ сабабли биз бу ўринда кўпроқ у кишининг ижодларига тўхталамиз.

Алихонтўра илмий-адабий фаолиятининг кўп йиллик машаққатли меҳнати маҳсули бўлмиш — “Тарихи Муҳаммадий” асари ҳисобланади. Мазкур асарнинг ёзилиши келажак авлод ички дунёси қашшоқланишининг олдини олиш, азалий қадриятлар қимматини пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам тарихлари билан таништириш орқали сақлаб қолиш йўлида қилинган буюк жиҳоддир.

“Тарихи Муҳаммадий”нинг биринчи ярмини, алҳамдулиллоҳ, китоб ҳолида босмадан чиқарганимизга талай вақт бўлиб қолди. Шу кунларда асарнинг иккинчи қисми ҳам босмаҳонада терилмоқда (мақола 1992 йил 22

январда чоп этилган — “Tafsilot.uz”).

Шу ўринда “Тарихи Муҳаммадий”нинг яна бир захматкаши ҳақида гапириб ўтмай илож йўқдир. Ёшлигиданоқ энг олий мақсади — отамизга хизмат қилиш бўлган падари бузрукворимиз Муҳаммадёрхон бобомнинг суюкли фарзанди эди. Ўзи шифокор эди-ю, аммо туну кун бобомнинг ёзувларини оққа кўчириш билан овора бўларди. Отамнинг 46 ёшида бевақт вафот этиши бобомнинг шамшоддек қоматини букиб қўйди.

Энг аввало, бобом туб маъноси билан айтганда, олим эди. Ҳозирги замон тушунчаси бўйича эса бирор модданинг хусусиятини ўрганган ёки бирор сўзнинг келиб чиқишини аниқлаган тор ихтисосдаги фан номзоди ҳам олим ҳисобланади.

Ҳолбуки, ҳақиқий олим деб деярли ҳар соҳадан хабардор, билимдон, кашфиётлар қилган, билган илмини ҳар қандай одамга тушунтира биладиган ва айниқса


керак? Тарих ўтмишни ҳозир билан, замондошларимизни аждодлар билан қиёслаш учун керак.

Фонийда яшаб ўтганларни биз нима учун эслаймиз. Аксари ҳолларда халқ учун фақат эзгу ишлар қилганлар эсланади. Тўғри, геростратлар ҳам эсланади, аммо улар бармоқ билан санарли.

Алихонтўра ўзининг бутун сермазмун ҳаётини ана шу эзгу ишларга баҳшида қилган илм эгаси эди.

Бобом фақатгина ажойиб шеъру дostonлар ёзибгина қолмай, балки кўп миллионли Шарқий Туркистонни мазлумликдан озод қилиш ҳаракатига сардор ҳам эди. У ҳаракат ғалаба билан якунлангач, қонхўрлар исканжасига тушиб, Сталиннинг ўлимигача уй қамоғида (назарбанди) бўлди, лекин мафқураларига содиқ қолди. Марксизмни ўзига тумор қилиб олиб алданган кўплаб зиёлилар каби оғишмади.

Алихонтўра Соғунийнинг шеърларидан намуналар:



бошқаларни ҳақлигига ишонтира оладиганлар тушунилган.

Биз ўтиб кетганларни нечун ёдлаймиз, нечун ўтмишдошларимизнинг қилган ишларини “тафтиш” қиламиз ва умуман, тарих нима, у нима учун

Алихонтўра жасоратли фикр эгаси — биринчи бўлиб Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни кўрқмай очиқ айтган. Унинг қонхўр эмас, инсонпарвар, одил бўлганини ва жоҳил эмас, аксинча, оқил ва фозил (Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

жаҳонгир бўлганини далиллар билан исботлади.

“Расти-рости” деган экан Амир Темур. 1967 йили бобомнинг форсийдан қилган таржималарида “Тулистон” журналида чиқа бошлаган “Темур тузуклари”нинг куч-қудрати шунчалик бўлган эдики, адолатдан қўрққан ўша даврнинг баъзи “жуда катта” раҳбарлари асарни охиригача бостирмай тўхтатиб қўйишган эдилар.

“Ҳар бир давлат раҳбари, подшоси агар “Темур тузуклари”дан мукаммал хабардор бўлса ва унга амал қилса, у энг одил, энг қудратли ва энгилмас давлат подшоси бўлиши муқаррар”, деганди бобом.

Дарҳақиқат, Амир Темур 40 йилдан кўпроқ вақт бекиёс катта салтанат ҳукмдори бўлган ва бирор маротаба ҳам жангларда мағлубиятга учрамаган.

Бобом таржима қилган яна бир асар Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое”си бўлиб, ҳозир тўла қайта нашрга тайёрланмоқда (мақола 1992 йил 22 январда чоп этилган — “Tafsilot.uz”).

Можор шарқшуноси Ҳерман Юлиус Вамберининг қимматли асари бўлмиш “Мовароуннаҳр ёки Бухоро тарихи” асарини эса усмонли турк тилидан ўзбекчалаштирган.

Алихонтўра кучли табиб ҳам эдиким, шарқ табобатини асраб қолиш йўлида қилган хайрли ишлари, саъй-ҳаракатлари сермахсулдир. Бу борада қатор медицина профессорларига ҳам устозлик қилган ҳақимнинг нуқтаи назари — “Касал битта, давоси юзта” ва “Бутун тоғу тош, еру кўк — дорихона (аптека)” қабилида эди.

Тартиботи таом, парҳез, таом ейиш меъёри ва мечкайликнинг зарари ҳақида кўп сўзларди. “Шифо ул-илал”, яъни “Касалликлар давоси” деб аталган нодир тиббий асарини ҳам ватандошларга етказиш ниятимиз бор. Унда 200 га яқин касалликларни муолажа қилишнинг тажрибадан ўтган

усуллари тушунарли тилда муфассал ёритилган. Сарик касалининг йигирма уч тури мавжуд бўлиб, шундан 22 тасига шифо бор, кўп ҳолларда эса қолган биттасига ҳам шифо бор экан.

Узоқ вақт совет медицинасида сексопатология фани тан олинмаган. Ожизлигини бўйнига олиб, дарду алами ичида бўлганларнинг жуда кўпчилигига ҳаётий қувонч берганди ўшанда. 10-15 йиллаб фарзанд кўрмаган бир қанча эркагу аёллар Аллоҳнинг мадади билан оталик ва оналик бахтига эришишга сабаб бўлганликларининг гувоҳимиз.



Яна бир воқеа хотирамда яхши муҳрланиб қолган. Бобомнинг олдида 13-14 ёшлардаги бир қизни олиб келишди. У бечора қизнинг бўйнида ўзининг калласидек катта шиш бор эди. Отаси колхоз раиси экан, Иттифоқ бўйича бормаган ери, кўрсатмаган мутахассис қолмабди. Қизининг касали — томоқ раки, у тузалмайди дейишибди. Бобом у қизни 15 кунда тузатган, бўйнида шишдан асар ҳам қолмаганди. Ўшанда беморнинг отаси қувончдан хўнграб йиғлаганди.

Бошқа мисол: менинг дзюдо бўйича иттифоқ чемпиони бир дўстим бўларди. 25 ёшида юраги санчиб ўйнаб, ўз-ўзидан сўла

бошлади. Икки ҳафтада озиб, чўп бўлиб қолди. Бобом уни ҳам ўн кун ичида яна қайтадан полвон қилиб қўйди.

Бобом дуо сеҳри — қудрати билан ҳам инсон руҳиятини мўътадиллаштириб қўярди. “Илму ҳунар ўрганинлар, замонавий фанлардан хабардор бўлинлар”, дерди у киши.

“Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи бундай жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий илм-фандан бутунлай йироқ тутдилар. Чет давлатлар билан алоқа боғламадилар, ўқиш-ўқитиш ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиш ва бор шароитдан фойдаланиш имкониятлари бўлмади. Давлатнинг инқироzi, миллатимизнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур.

Бу балодан қутулишнинг бирдан-бир чораси эса Туркистон фарзандлари замонавий илм-фан билан тўлиқ қуролланиб, бунинг устига миллий ҳислардан ажрамай ўз она тилларини жон ўрнида асрашлари лозимдир. Бу ўринда “миллий ҳис” дедик, “диний ҳис” демадик? Бунинг сабаби эса даҳрийлар ҳукумати қурилганидан бошлаб бутун диний мактаб ва мадрасалар йўқотилиб, кейинги таълим-тарбия ишлари динсизлик асосига қаралмиш эди. Шундан буёнги мактаб болалариимиз диний тарбия кўрмаганликларидан мусулмончилик йўлларини яхши таниёлмай қолдилар. Шунга кўра Ватан болаларига диний тарбият тўсилган бўлса ҳам энди ўз миллиятларини сақлаш тил тарбияларидан сира ажрамасликлари керакдир. Чунки ҳар қандай миллат ўз динидан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ажрагани устига ўз тилидан ҳам қуруқ қолар экан, унинг миллияти ютилиб, ҳаёти мунариз (инқирозли) бўлди демакдир. Миллий ҳисини йўқотиб, ўз миллатидан ажраш Қуръон ҳукми бўйича ҳаромдир. Қуръоннинг “Қул ҳавл яставаллазийна яълуму валлазина ло яълумум”, яъни “Билганлар билан билмаганлар ҳар тўғрида тенг кела олмайдилар”, — деган ҳикматли сўзини албатта амалга ошириш керак эди”.

Насл-насабсизлар ва устоз кўрмаганлар тўлақонли инсон бўлолмайдилар, деган одми фалсафа бор.

Бобом том маъноси билан жуда кўп ажойиб одамларга устоз эди.

Масалан, қозоқ академиги Оқжон Машавов “файласуфи туркий” ҳисобланган Абу Наср Форобий шахси ва ижодий фаолиятини кенг ўрганган олим ҳисобланади. Юбилейи муносабати билан у киши Форобийнинг асарларини рус ва қозоқ тилларига таржима қилишда кўп маълумотларни ва энг аввало оқ фотиҳани бобомдан олган эди.

Машхур геолог — академик олимимиз марҳум Ҳабиб Абдуллаев бобом билан ҳар сафарги суҳбатдан катта илҳом олар эканлар.

Яна бир йирик геолог олим, марҳум академик Ғани Мавлонов ҳадеганда бобомнинг олдиларига келардилар. Ғани ака алпқомат киши эди. Остонада энг катта оёқ кийим ечилган бўлса, демак, ичкарида ўзларига хос вазминлик ва камсукумлик билан Ғани Мавлонов ўтирган бўларди. Бобом биз фарзандлар учун айни вақтда устоз ҳам эди. У кишини гўдаклигимдан “Олтин бобо” дердим. Шундан бери жамики неварачевара-эваралари ҳозир ҳам “Бизлар Олтин бобо авлодимиз”, дейишади. Тилим чиқар-чиқмас “Алҳамду”ни менга Олтин бобом ўргатган.

Бобом олийҳимматлик ва олижаноблик тимсоли ҳам эди. бунга беҳисоб мисоллар келтиришим мумкин. Ҳукумат боғида бир неча йил яшаганларидан

сўнг бобомга Себзор даҳасидан ҳашаматли қурилган катта бир ҳовлини беришган. Шунда у катта ҳовлининг кичик бир қисмини олиб қолиб, қолганини болалар боғчасига бўшатиб берган.

Алихонтўрани ўғирлаб келиб, тантана қилган “саховатпеша” совет давлати унга умрлари охиригача 50 сўм пенсия тайин қилганда, бобом ундан ҳам бетоб мусулмон болалари фойдасига воз кечиб, бирор тийинини ҳам олмаган.

“Болалагимдан бир одатим бор, агарда иккита чопоним бўлса, унинг янгисини бировга бергим келаверади”, — дерди бобом.

Кўпчилик у кишининг валий даражасига етишганининг гувоҳи бўлишган.

Хотирамда бир воқеа яхши ўрнашиб қолган. Ғариброқ бир киши тўй қилмоқчи эдим, деб икки минг сўм пул сўраб келди. Мен ўшанда у кишининг ёнида қайсидир бир дорини тайёрлашда ёрдамлашар эдим. “Маъкул, — деди бобом, — бироз шошманг, манови дори тайёр бўлсин, болаларингиз билан ичиб юрасиз, юрак ва ошқозонга қувват бўлади”. Шу пайтда тужжор ихлосманд шогирдларидан бири бобом зиёратларига келди. Узоқ сафарда бўлгани ва ишлари ривожда эканини билдириб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёла чой ичиб бўлгач, шу насибани сизга атагандим, тақсир, деб қоғозга ўралган пул берди ва хайрлашиб ортига қайтди. У кетгач, бобом менга шу пулни санатдилар. Пул роппа-роса 2000 сўм экан. “Мана пулингиз, худо сизнинг насибангизни ҳам етказди, бу пул қарз эмас, сизга ҳада”, — деди.

Ўтирганлар ҳангу-манг бўлиб қолишди. Бояги одам эса йиғлай-йиғлай, дуо қила-қила хайрлашди.

Яна бир хотира. Водий сафарларидан бирида эшонзода тўйида бўлдим. Мен одатим бўйича қариялар даврасига кирдим. У ерда ўтирганлардан бири, мени танибми-танимайми, бобом тўғрисида бир ҳикоя қилиб берди.



60-йилларнинг охирларида бобом Марғилонга келмиш экан. У кишини уйига меҳмонга чақира олган киши ўзини бахтиёр ҳисобларкан, 5-6 киши бўлишиб, навбатдаги мўминнинг уйига кетишаётганда Алихонтўра ўтиб кетаётган экан, деб қайси бир хонадон вакиллари йўл кесиб чиқишибди. “Бизниқига бир нафас бўлса ҳам кириб кетинг, пойқадамингиз билан хонадонимизни хушнуд этинг”, деб қўйишмабди. Бобом рози бўлиб кирибди. У ерда ҳам олим, уламолар ўтиришган экан. Тўрда эса ўша вақтдаги мусулмонлар муфтиси Зиёвиддин қори ҳазрат ўтирган экан. Уйга киргач, тўрга чиқаришибди. Бобом қандай даврада бўлмасин, албатта, илму маърифатдан, эътиқод акидаларидан сўзларди. Бекорчи, олди-қочди суҳбатларни, ортиқча аскияни хуш кўрмасди. “Маъкул, беш-ўн дақиқа бўлса ҳам мен Қуръондан сўзлайман, — дебди муфти ҳазратга. Кейин қори Қуръонни очиб, бирор оятни ўқингчи!”, — дебди. Қори ака Қуръонни очиб, чиққан оятни ёддан ўқибди. Бобом бироз сукутга кетгач, оҳиста сўз бошлабди, 5-10 дақиқагина сўзлайман деган одам Қуръони Каримнинг сеҳр-қудрати билан бир оятни бир ярим соатча тафсир қилибди.

Даврадаги Абдулборий хожи, Абдурахмон хожи, Салоҳиддин қори ва бошқалар билан шундан кейин кучоқлашиб, бошқатдан кўришдик.

Яна бир воқеани эсламай илож йўқ.
(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Эртаю кеч ҳузурларида зиёратга келувчилар кўп бўларди. Камданкам ҳолларда ҳеч ким бўлмасди. Бутун ислом бунёсидан келишарди.

Бир куни Кобул ва Техрон университетининг профессори бўлмиш (афсус, исми ёдимда қолмабди) бир зиёли, ўрта ёш одам келди, бошида эрони дўпписи, ёнида 2-3 та ҳамроҳи ҳам бор эди. Бобомдан рухсат сўрадим: “Бошлаб киринг”, деди. Меҳмонларни ичкарига бошлаб киргач, орадан 5-10 дақиқа ўтгач, одат бўйича патнусда ҳўл мева, ширинликлар, нончой олиб кирсам, бояги профессор иккала қўли билан дастрўмолини тутганича хўнг-хўнг йиғлаб ўлтирибди.

Мен ажабланган бўлса-да, бобомдаг хотиржам бўл деган белгини олиб, патнусни дастурхон устига қўйдиму аста чикиб кетдим.

Меҳмонлар кетишгач, албатта, қизиқиб сўрадим. Бобом гўёки ҳеч нарса билмагандай ҳар қандай кишини сеҳрлаб ром этувчи нуруний табассуми билан бошларини хиёл кўтарди ва мен воқеадан хабардор бўлдим.

Профессор ичкарига киргач, салом-алиқдан сўнг: “Таксир, мен арабчани ҳам яхши биламан, хоҳласангиз, шу тилда сўзлашайлик,

деб араб тилида мурожаат қилибди. Бобом ҳам аввал араб тилида: “Сен қайси юртдансан?” — дебди. “Кандаҳорданман”, — жавоб қилибди у. Бобом пушту қилиди: “Кандаҳорнинг фалон-фалон қабилалари бор, сен қайси биридансан?” дебди. “Фалончи қабиладанман”, — деган жавоб бўлибди. Бобом ўша қабиланинг лаҳжасида сўрабди: “Сенинг қабилагнинг бешта фалон-фалон деган уруғлари бор, сен қайси бирининг ўғлонисан?” Лол қолиб кўзлари косасидан чиқаёзган профессор: “Мен фалончи уруғданман”, деб жавоб қилибди. Бобом ўша жуда кам сонли уруғининг талаффузи ўта мураккаб шеvasида: “Хуш келибсан, азиз меҳмон, саломат келдингми, уруғинг омонми, авлод-наслларинг омонми, сенинг уруғингдан фалончи деган олим чиқмиш эди, унинг ҳоли қалай, қаерда яшайпти?” — деганида меҳмон ҳаяжондан ўзини тута олмай йиғлаб юборган экан.

Йиғи аралаш: “Менинг ўз она тилимни ўзга юртда мендан яхши биладиган инсон бор экан, мен унинг олдида бош эгиб тиз чўкаман”, дебди.

Бобомнинг яхши ният билан айтган гаплари кўп. Шулар орасида

яна биттасини эслаб ўтишни лозим топдим. У киши каромат билан бундай деганлар: “Бу Ўзбекистон эли, айниқса, Тошкент аҳли кут-баракотнинг киндигида яшайди. Бу ерга азиз-авлиёларнинг дуоси кетган, бунда ҳеч қачон очарчилик, қаҳатчилик бўлган эмас, ҳеч қачон бўлмайди ҳам, иншооллоҳ. Мана, Тошкент бозорларини кўринг — мисли очил дастурхон, кечда бозор расталари бўшаб, дастурхон ёпилади, тонг отиши билан расталар яна лиммо-лим, ноз-неъмат дастурхони яна очилади”.

Озод, хур замонгарга етказган Аллоҳга ҳамду санолар айтиш баробарида яна шуни таъкидламоқчиманки, Алихонтўра Соғуний каби зотлар ўзлари учун эмас, халқи ва эътиқоди учун яшаганлар, улар дунёдан ўтганларидан сўнг ҳам миллатимиз, динимий ва эътиқодимизга ўз даҳоси билан хизмат қиладилар.

Бобомнинг юқоридаги каромат сўзлари сизу биз мусулмонларни ҳам қилган дуолари эмасми? Бунинг шукронасини яратган Аллоҳга қилайлик. Алҳамдулиллоҳ.

Баҳманёр Шокиров

Манба: tafsilot.uz

Давлат корхоналаридаги нақд пул муаммоси ортидан норозилик кайфияти ортмоқда

Шу кунларда Ўзбекистонда давлат тасарруфидаги корхоналарда нақд пулдаги ойлик маошини олиш жараёни кечикиб кетаётганлигидан норозилик кайфияти кун сайин ортиб бораёпти.

Ҳозирда Марказий Банк томонидан шаҳар ва тумандаги барча банкларга тушаётган кундалик нақд пулни топшириш ҳақида кўрсатма берилган. Шунингдек, топшириладиган суммалар банкнинг катта-кичиклигига қараб кунлик суммаси белгилаб берилган.

Бундай тадбир ўзбек

жамоатчилик фикрида турли хил қарашларни юзага келтиряпти. Баъзилар 22-23 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган ШХТ саммити учун қилинаётганлиги таъкидласа, яна бошқаларнинг наздида ҳукуматга қарши чиқмоқчи бўлган айрим гуруҳлар халқ норозилигини молиялаштиришга қаратилган амалиётларга имконият бермаслик мақсади ётади.

Тадбиркорлар орасида эса, ўзбек қора бозордаги АҚШ долларини сўмга нисбатан қиймати ўсиб кетмаслиги учун



қилинган ҳаракат сифатида баҳоланмоқда.

Барча ҳолатларда аҳолининг давлатга нисбатан ишончсизлиги ва норозилиги тобора чуқирлашиб кетаётганлигини инкор этиб бўлмайди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Аросатдаги Тошкент, Аҳмадбой чинозлик ва ШХТнинг навбатдаги мажлиси



Ўн олтинчи июндан то йигирма олтинчи июнга қадар Тошкентга кириш ва Тошкентдан чиқиш тақиқланади деган хабар тарқалди. Кейинчалик бу ёлғон деб эълон қилинди ва бу ахборотни тарқатган милиса ишдан олингани ҳақида ҳам гап бўлди. Ўзбек сайтлари ёппасига бу хабарни эълон қилиб, сўнг сўкиш эшитиб, хабар рад этилди деб ёзди.

Шунда ижтимоий тармоқларда, ўзаро суҳбатларда турли мулоҳазалар тарқади, албатта. Аввало, Тошкентнинг ёпилиши ҳукуматнинг энг аҳмоқона қарори бўлгани таъкидланди, эҳтимол, бу сафсата бўлиши тахмин этилди. Тошкентда яшаш ва бемалол юриш жуда катта муаммога айланган бу даврда мазкур “янгилик”нинг чиққани одамларни сира ҳам ажаблантирмади. Кўпчилик ишларини шу асосда режалаштиришга ҳам киришган эди. Бироқ Ўзбекистоннинг расмий ахборот манбаси – Ўзбекистон Ахборот агентлиги бу масалада аввал ҳам, кейин ҳам лом-мим демади. Эркин Воҳидовдек халқ шоири ўлими тўғрисида ҳам ўз вақтида сўз очмаган, фақат “бахтиёр ҳаёт”ни куйлайдиган, битта таъзия ҳам

бу “куй”га путур беради деб ҳисоблайдиган ЎЗА мум тишлаб тураверди.

Туғиладиган мулоҳазалар: нима учун Ўзбекистон расмийлари бу каби ёлғон-яшиқ хабарлар ҳақида баёнот бермайди? Албатта, буни талаб қилиш аҳмоқлик бўлиб туюлиши мумкин. Лекин гап бошқа жойда.

Аҳмадбой чинозлик (яъни чиназский) деган одам молиявий пирамида куриб келаётгани бутун мамлакатга маълум эди. Унинг кўрсаётган “қароматлари”ни деярли ҳар биримиз биламиз. Уни жорий йилнинг ўн бешинчи июнь куни ҳибс қилишди, эртаси куни Ўзбекистоннинг ҳамма расмий телеканаллари шу ҳақида қисқа ахборот тарқатди. Қизик, Аҳмадбой бир неча йилдан бери Тошкентнинг шундоққина биқинида шу қадар катта пулни ўйнатди, одамлар унга пулларини ўз қўллари билан опкелиб бердилар, буни ҳукумат шу пайтга қадар кўрмаётганмиди?! Иккинчидан, Аҳмадбойнинг айби нима? Конституциянинг, қонунларнинг қайси моддасини бузди у? Хориж валютасини ноқонуний алмаштирдими? Бутун Ўзбекистонда долларни қора бозорда сотишади-ку!

Одамларни алдадимми?

Бировнинг пулини тортиб олдимми? Албатта, йўқ. Кишилар унга ўзлари пул олиб келиб беришган. Аҳмадбой эса хотамтой бўлиб ном ҳам қозонган эди. Бутун Республикага доврुक солди. Энди тўсатдан уни қўлга олишдан мақсад нима? Шунча пайт уни ўз ҳолига ташлаб қўйишдан манфаат бормиди? Рустам Азимовдек вазир “Ўзбекистонда миллиардер бўлиши мумкин эмас!” – деб ваъда бериб бўлган бир паллада Аҳмадбойнинг миллиардерга айланишига қадар нима учун рухсат этдилар? Тан олиш лозимки, чинозлик бир одам, оддий одам ўз фаолияти билан, бу фаолият қаллоблик бўлган тақдирда ҳам, молиявий пирамида бўлган тақдирда ҳам, ўзбек банкларининг бир тийинга қиммат эканини исботлади. Чунки мустақулликдан сўнг халқ банкка пулини ҳеч қачон омонат қилиб қўймаган, халқ ҳеч қачон банкка ишонмаган эди, аммо Аҳмадбойга ишонди. Чунки у кўча тили билан айтганда, “гапига жавоб берди”. Иккинчидан, Аҳмадбойнинг шу қадар гуркираб кетиши табиийми? Учунчидан, нима учун Аҳмадбой айнан ШХТ саммити арафасида қўлга олинди? Аҳмадбойнинг фаолияти ШХТ саммитига не қадар халал беришими мумкин эди? Тўртинчидан, Аҳмадбойнинг қўлига тўпланган пул ҳақиқатан ҳам расмий манбалар кўрсатган миқдордами – ўн уч миллиард сўмдан кўра кўпроқ нақд пул ва етти миллиондан кўпроқ долларми?! Бешинчидан, “янгилик”ларни эскитиб, муддатидан камида ўн кун ўтказиб эълон қиладиган ЎзТВ шу қадар “тезкор” ишлайдиган бўлиб кетдимми? Сал қўйса, Аҳмадбойнинг қўлга олиниши

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

операциясидан тўғридан-тўғри эфир қилиб юборай дейишди-я!

Гапшундаки, аввало, Аҳмадбой бир ўзи эмас. Уни Ўзбекистон ҳукумати ичидан қўллаб турган шахслар бор. Бу шахслар Аҳмадбойнинг бу фаолиятини ҳар дақиқа кузатиб, шу даражага келиши учун имконият яратиб берган. Аҳмадбой ўзи учун эмас, ўша шахсларнинг амрига қўра ишлаган. Хўш, улар ким? Уларниг учи бош вазирга қадар тақалади.

Иккинчидан, Аҳмадбойнинг бу қадар гуркираб кетиши ҳам табиий, ҳам уюштирилган. Сабаби, одамларда пул йўқ ёки жуда кам, улар пулни кўпайтириш ва эвазига яхши яшашнинг бошқа йўллари билмайдилар, сўнг Аҳмадбой кабиларга ишонишдан бошқа чоралари ҳам қолмаган. Қолаверса, Аҳмадбойнинг МХХнинг ўзи дастаклаб тургани маълум. Демак, бу ҳаракат уюштирилган. Учинчидан, Аҳмадбой ишлаган, ишламаган тақдирда ҳам ШХТнинг мажлиси ўтаверади. Чунки унинг сиёсатга бевосита қизиқиши ва муносабати ҳозирча йўқ. Тўртинчидан, Аҳмадбойнинг давлат томонидан тортиб олинган пули асл суммадан пасайтириб кўрсатилган. Бу – аниқ. Чунки манбалар Аҳмадбойнинг қўлида тўпланган пул расмий билдирилган ҳисобдан бир неча ўн марта кўплигини маълум қилмоқда. Бешинчидан, ЎзТВнинг бу қадар “тезкорлиги” икки сабаб билан боғлиқ. Биринчи сабаб, одамларга Аҳмадбой хузурига келманглар деган гапни айтиш керак эди. Иккинчи сабаб, бу хабарни айтиш билан кишиларни шу хабар атрофида овора қилиб қўйиш эди.

ШХТнинг саммити Тошкент учун муҳим масала. Чунки Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий, иқтисодий алоқалари жуда сустр



эгани аниқ. Ўзбек ҳукуматини ривожланган давлатлар ҳукуматлари ҳурмат қилмайди. Ўзбек ҳукумати ҳеч қачон халқаро майдонда ўз ўрни ва овозини муносиб шаклда ифода эта олгани йўқ. Ўзбек ҳукумати, асосан, Россия ва Хитой билан бир қадар муносабатларга эга. Чунки бу икки йирик давлатнинг системаси моҳиятан Ўзбекистондан фарқ қилмайди. Мамлакат бошқаруви бир гуруҳ жинойтчилар қўлида, халқнинг сиёсий фаоллиги нол даражада. Агар Жанубий Кореяни Ўзбекистоннинг яқин ҳамкори десак, у ҳам Ўзбекистон билан ҳеч қачон чуқур муносабатларга киришган эмас. Барча муносабатлар юзаки ва чекланган. Буни расмий олдибердилар – сиёсий ҳамкорлик, таълим ва иқтисоддаги келишувларнинг ниҳоятда кичик кўрсаткичга эга экани билан кўрсатиш мумкин. Тошкентда очилган Инҳа университети эса моҳиятан у қадар катта масалани исботламайди. Инҳа университети Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларининг муҳим ифодаси бўлиши учун университет талабаларининг сиёсий фаоллиги, илмий ютуқлари, матбуотдаги чиқишлари кўриниши керак эди. Аммо Инҳа университети ҳам Тошкентда очилган бошқа хориж университетлари каби сокингина иш олиб борапти. Бугунги

Каримов диктатурасининг оддий мурвати каби ишламоқда. Яна шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, бугун Тошкентдаги хориж университетларида ҳам таълим сифати ўта пасайиб кетган.

Мавзуимиз Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий майдондаги фаоллиги ҳақида эди. Ўзбекистон бугун ШХТдаги иштирокини ҳар томонлама улкан воқеа ўлароқ кўрсатиш, тамсил этиш ҳаракатида. Каримов эса ўзини тинчликпарвар кўрсатиб, ташкилот сиёсий ёки ҳарбий блока айланиб қолмаслиги керак деб ақл сўқади. Ўзбек аскарлари бегона юрт тупроқларида қийналиб юрмасин деб халққа ҳам яхши кўринмоқчи бўлади. Бу билан у ўзи ҳақида инсонпарвар деб таассурот қолдирмоқчи бўлади, асл ҳақиқат шуки, Ўзбекистон армияси халқаро меъерий талабаларга мутлақо жавоб бера олмайди. Каримов норасмий шаклда Ўзбекистон армияси Марказий Осиёнинг энг кучли ҳарбий қудрати эканини одамларга сингдиришга интилади. Ташқи томондан шундай кўринади, аммо аслида ўзбек армиясининг аҳволи оғир. Аввало, ўзбек йигитлари армияга хўрак орқали чақирилади. Яъни ким армияга келса, унга олий ўқув юртига кириш учун қўшимча балл берилади!

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



Иккинчидан, ўзбек аскарлари бугунги замон учун жуда содда ва тор дунёқарашга эга. Ўзбек аскарлари билан суҳбатлашсангиз, ғоявий, этиқодий жиҳатдан ичи бўш эканини кўрасиз. Учунчидан, ўзбек ҳарбий тизими юз фоиз порахўрликка асосланган.

Тўртинчидан, ўзбек ҳарбийларининг ичида, унвонлилар орасида Каримов диктатурасига қарши кайфият мавжуд. Бу кайфият Каримов диктатурасининг ағдарилишини иштайди. Аммо бу нарса ошқор қилинмайди. Бу кайфиятнинг шаклланиши сабаби – ҳарбий тизимнинг пала-партишлиги билан боғлиқдир.

Шундай шароитда Каримов ўзбек армиясини тинчлик йўлидаги халқаро ҳарбий тадбирларда иштирок этишига рози бўлолмайди. Қолаверса, халқаро ҳарбий тадбирга чиққан ўзбек аскарлари бошқа мамлакат ҳарбийларини ўз кўзи билан кўрса, ўзининг асл ҳолатини англаб қолса, бу Каримов диктатураси учун жуда катта хатар. Шу сабабли Каримов ўзбек халқини минг хил алдов билан қобикда, биқикликда сақлагани каби ўзбек армиясини ҳам халқаро миқёсдаги тадбирларда қатнашишига рози эмас. У бу мунофиқлигини тинчликпарварлиги, ўзбек аскарлари бошқа юртда сарсон бўлмаслиги

кераклиги билан изоҳлайди.

Аслида ШХТнинг ўзбеклар учун, умуман, мусулмон турк дунёси учун қанчалик фойдаси бор? Агар Ўзбекистон бу ташкилотга аъзо бўлмаса, нима ўзгаради? Ўзбекистон бу ташкилотга аъзо бўлиб нима топяпти?

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ бошчилигида НАТО тузилганда унга жавобан ССР Варшава шартномаси ташкилотини тузган эди. НАТО бугунги кунда ҳам халқаро ҳарбий ташкилот, конкрет ҳарбий куч сифатида дунёга сиёсий вазиятга жуда катта таъсир ўтказиб турибди, Варшава шартномаси ташкилоти эса ССР билан йўқ бўлиб кетди.

ШХТ аввалбошда оддий сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик қилиш ташкилоти ўларок, шунақа ниқоб билан тузилган бўлса-да, аслида ҳарбий блокка айланиши мақсад қилинган тузилмадир. Бугун ядро қуролига эга бўлган Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо бўлиши кутилаётгани бу фикрни тасдиқлайди. ШХТ бугун дунёни бўлиб олишда ўз улушини талаб қилиб турган ташкилотдир. Ўзбекистон бу ташкилот таркибида ўзининг халқаро майдондаги ўрнини кўрсатиш учун қатнашиб турибди. Ташқаридан қараганда

шундай, ташқаридан қараганда Ўзбекистон, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари ШХТнинг тенгхуқуқли аъзолари, аслида эса бу ташкилот Россия ва Хитойнинг дунё миқёсидаги гегемонликка бўлган даъвосининг намоёнишидир.

Ташкилот масалалари Хитой ва Россиянинг бевосита амри ва кўрсатмасига мувофиқ ҳал қилинади. Бу икки давлат ташкилотга ким раислик қилишидан қатъий назар йўналишни белгилаб беради. Яъни бугун Каримов диктатураси ўрнатилган Ўзбекистон ШХТ таркибида пиёда аскар мақомидадир. ШХТ бир вақтнинг ўзида Каримов ва унинг Марказий Осиёдаги ҳамкасблари иқтидорда қолишининг қафолати ҳам ҳисобланади. Агар Марказий Осиёда давлат тўнтариши ёки шу каби воқеалар рўй бериб қолса, ШХТ аъзолари ўша давлатнинг диктатор ҳукумати сўрови билан армия киритиши, инқилобдан, соф демократик кучлардан ҳимоя қилиши ҳам мумкин. Яъни ШХТ халқларнинг, миллатларнинг хавфсизлиги қафолати эмас, балки зулмда, диктатурада тутиб турилишининг асосидир.

Ҳиндистон ва Покистоннинг бу ташкилотга қўшилиши эса бу икки давлатнинг Ғарб давлатлари сиёсий ва ҳарбий босимига қарши туриш учун бўлган ҳаракатидир. Ва уларнинг Евроосиёдаги сиёсий вазиятга таъсир кўрсатувчи кучга айланиш истагидир. Бу икки давлатнинг ташкилотга қўшилиши Хитой ва Россиянинг гегемонлигига путур етказиши мумкин, аммо келишилса, келишиб ишлаш ҳам мумкин.

ШХТ сиёсий ташкилот сифатида фаолият олиб борар экан, у бугун ҳарбий блокка айланиш жараёнидадир.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Аммо Ўзбекистон ва унинг қўшниларида аҳвол ҳавас қиларли эмас. Йигирма беш йиллик диктатура тизими бу мамлакатларнинг ҳаммасини жар ёқасига олиб келиб қўйган. Айниқса, бугун Ўзбекистондаги вазият жуда қалтисдир. Буни халқ ҳам ҳукумат ҳам ҳис қилиб турибди. Қозоғистоннинг Оқтўбесида бўлиб ўтган воқеалар аслида Назарбоев ҳукуматини барқарорлаштириш учун қаратилган бўлиши эҳтимол қатта. Каримов методи – 1999 йилги феврал воқеалари стилидаги бу воқеа моҳиятида Назарбоевнинг ҳукумат тепасида қолиши зарурлигини тасдиқлаши учун уюштилган бўлиши ҳақиқатга жуда яқин. Ҳали бу масалада жуда жиддий тадқиқотлар олиб борилади, албатта.

Ўзбекистон ҳукумати ҳам бугун иқтидорда қолишнинг турли йўллари излаётди, ШХТнинг мажлиси ана шу йўлдан бири бўлиб хизмат қилиши керак эди. Аммо бу мажлисда Покистон ва Ҳиндистоннинг ташкилотга кўшилиши уни ҳарбий блокка айланишини тезлаштирар экан, мабодо, ташкилот аъзоси бўлган мамлакатлардан армиясининг бирор бўлинмаси иштирокида тинчликка бағишланган бирор халқаро ҳарбий тадбирда қатнашиш талаб қилинар экан, бу Каримовнинг талаблари ва “принциплари”га қарши бўлиб қолади.

Умуман, ташкилот Каримов ҳокимиятининг гарови бўлиб туриб бирданига унинг хавфсизлиги учун таҳдидга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу маънода, Ўзбекистон яна бирор тадбирни ўйлаб топишга мажбур. Яъни Ўзбекистонда Оқтўбе воқеаси такрорланиши, бу баҳонада одамларни кўрkitиб, Каримов ҳукуматининг иқтидорда

қолиши қафолатланиши керак. Бугун Каримовнинг шайқаси шу масалада бош қотиряпти. Ўзбекистон ичидаги муҳолифатнинг ҳаракатга келаётгани, ёшларнинг ижтимоий тармоқларда сиёсий фаоллашуви вазиятни жиддийлаштиряпти. Ҳукумат одамларни кўрkitиш билан энди бирор натижа қўлга кирита олмаяпти. Байрамлар, ШХТнинг дабдабаси, шиорлар иш бермай қоляпти. Энг муҳими, Каримов соғлиги ёмонлашиб бораётганидир. ШХТ саммитида қатнашиш учун Каримов бугун даволаш курсларини оляпти. У шу кунларда бевосита шахсан ҳукуматни бошқараётгани йўқ.

Ҳамма ишлар бош вазир, МХХ бошлиғи ва яна икки-уч киши томонидан бажариб келиняпти. Каримов уларнинг ҳисоботи орқали кўрсатма бериб Дўрмонда ётибди. У ШХТ саммитида толиқиб қолмаслиги, кун бўйи давом этадиган дабдабаларда қатнашиб бериши, мажлисни бошқариши керак. Шунга жисмонан соғлом бўлиши шарт, албатта. Аммо Каримов саломатлиги ҳар лаҳза панд бериб қўйиши мумкин. Масала ҳамон чигалликда қоляпти. Шунинг учун ТВда, радиода ШХТ саммити масаласи кўтарилмаяпти, чунки Каримов соғлиги муаммоли бўлса ва мажлисларда тўлиқ қатнаша олмаса, саммит ахборотини тўлиқ шаклда етказиш мумкин эмас.

Шу шароитда одамларни чалғитишнинг энг яхши йўли, одамларни ўзи билан ўзи овора бўлиб қолишларининг энг яхши чораси – Аҳмадбой чинозликнинг қўлга олиниши ва бунинг телевидениеда ёритилиши эди. Одамлар энди саммит ҳақида эмас, балки Аҳмадбой ҳақида ўйласин. Одамлар энди Каримов саммитда нима деди, Каримов ўзи қатнашди деб эмас, балки Аҳмадбойга берган пулининг

ғамини чексин. Аҳмадбой тергов қилиняпти деб бу машмашани кўтариш, шу қадар жайдари усулнинг қўлланиши ўзбек ҳукумати нақадар чорасиз қолганига далолат қилади.

Шу фактнинг ўзи Аҳмадбой билан боғлиқ бўлган ҳамма масаланинг содда ечимдир шубҳасиз. Аҳмадбойни ахборот марказига қўйиш билан ўзбек ҳукумати саммит масаласидаги муаммоларни одамлар назаридан олиб қочади. Тошкентнинг ёпилиши масаласи ҳам шунга алоқадор. Хусусий ахборот сайтларига саммит ҳақида гапирмасликка амр қилинишининг бош сабаби ҳам шудир.



Чўкаётган одам хасга ёпишаркан. Бугун биз Каримов диктатураси хасга жонҳолатда ёпишаётганини кўриб турибмиз. Одамларни мажбурлашга, кўрkitишга, яъни қуллик тизимига асосланган бу диктатуранинг умри жуда оз қолди. Бугун халқ ичида қатта тўлқин кўтарилиши кутиляпти. Бу тўлқин гўёки сезилмаяпти. Ҳа, у сезилмайди, аммо бир кунда кўтариладики, уни тўсадиган ҳеч бир куч қолмайди. Бу тўлқинни кўтараётган куч – Каримов диктатурасининг зулмидир, халқнинг бу зулмга қарши бўлган нафратидир, эрк ва ҳурриятга бўлган ташналигидир.

Тўлқинга ҳозирланинг. Эрк ва ҳурриятнинг янги даври бошланажак, иншаОллох!

Абдуллоҳ Нусрат

“ИГНА БИЛАН КУДУҚ ҚАЗИШ...”

Саккизинчи кун
Бисмиллаҳир
роҳийм.

роҳманир

Раҳмон ва Раҳим Оллоҳ номи
ила.

Илм олиш учун, оламдаги нарсаларнинг номларини билиб, ҳодисаларни англаш учун фаҳм ва зеҳн берган, инсон тасаввурига сигмайдиган даражада қувватли ва айна пайтда жуда ожиз идрок ато этган Оллоҳ таолога чексиз ҳамду саноларимиз бўлсин.

Илми Чинга бориб бўлса ҳам ўрганишга буюрган, Бадр жангида асир тушган одамларни мадиналик болаларга ҳарф ўргатса, озод қилишни амар этган, ҳадислари содда ва лол қолдирувчи Расули акрам Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга ададсиз дуруд ва саловотларимиз бўлсин.

Кун узоқ давом этадиган ўлкада яшаётган бўлсангиз, ифторлик соатлари яқинлагани сайин бутун вужудингиз ҳолсизланиб, чанқоқ ҳис этар экансиз, мутлақо заиф ҳолатга тушиб қолишингиз мумкин. Ифторлик вақти кириш билан сув ичгани ошиқасиз, ичган сувингиз тер бўлиб вужудингиздан қуйилади. Билиш мумкинки, инсонда ташналик, очлик қанчалик кучаяр экан, унинг нафси азоб ва машаққатда чинқираётган бўлади. Сизни сувга, егуликка буюраётган ичингиздаги куч нафсдир. Рамазоннинг ҳар кунида сиз бу нафсни Оллоҳ амрига итоат этиб синдирасиз, тиз чўқдирасиз, унинг чинқириқларига парво қилмасдан сувсиз, емаксиз қолдирасиз, у қанчалик хужумга ўтмасин, оғзингизни очиб, рўзангизни бузишни асло ўйламайсиз ҳам. Айна иймоннинг кучи, иймоннинг қуввати шу лаҳзаларда нафсдан минг қарра устун экани исбот топади.

Оллоҳим, ҳамиша бизни нафсимиздан ғолиб қил! Қилаётган ибодатларимиз жуда заиф, ўзимиз эса турли васвасаларга осон учадиган хастаҳолмиз, Ўзинг бизга мадад бер.



Айна илм олишда ҳам инсоннинг дуч келадиган энг катта тўсиқлардан бири – Нафсдир. Нафснинг инсон ақли етмайдиган ўйинлари ва ёмонликлари борки, бирининг устидан ғолиб чиқсангиз, иккинчи қуроли ишга тушади. Шайтон сизни васваса қилар экан, мақсадига эриша олмаса, зикр ва тиловат, намоз ва эҳсондан сўнг сизни иложсиз тарк этади, бироқ нафс ўз истагидан сира воз кечмайди, қандай қилиб бўлса ҳам ўша истаги амалга ошиши учун курашади. Агар инсон ҳаёлида бирор шаҳвоний истак ёки хирс тинимсиз айланаверса, ундан йироқ кетмаса, тушуниш мумкинки, бу нафснинг ўйинлари, мақри ва ҳийласидир.

Оллоҳ йўлида илм олишга киришган толиби илмнинг йўлида ҳам жуда кўп тўсиқлар пайдо бўлади, бу тўсиқларнинг катта қисми нафсга оиддир. Илм олиш – игна билан қудуқ қазишга тенг дейишади. Игна билан қудуқ қазишни тасаввур қилиб кўринг – чексиз машаққат, чексиз мушкулот. Илм олиш бежиз бу машғулотга тенглаштирилаётгани йўқ. Бугун айна шу масалада – илм олишга киришган толиби илмнинг йўлидан чиқадиган машаққатлар ҳақида тўхталиб ўтсак.

Толиби илм олдидаги машаққатлар икки хил бўлиб, улар моддий ва маънавий мушкулотлар деб аталади. Моддий мушкулотлар емак, ичмак, либос, яшаш жойи,

транспорт воситаси, ўқув шартнома ҳақини тўлаш билан боғланади. Айниқса, ҳозирги замонда барча университетларда фақат пул тўлаб ўқиш мумкин, демакки, шубҳасиз, моддий масала бирламчи ўринга чиқади. Оллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ким чин дилдан илм олишни қасд қилса, бутун ҳаёлини, фикру зикрини илм олиш мақсади эгаллаб олса, Оллоҳ таолонинг Ўзи ҳикмати ва фазли ила ўқув шартнома пулини тўлаш йўлини осон қилиб қўяди. Илми толиб қандай қилиб шу қадар катта миқдордаги сумма тўланганини англамай қолади ҳам. Шунинг учун илми толибнинг вазифаси фақат ҳимматдир. У ўқийман, ўрганаман, Оллоҳ учун илм оламан деса кифоя, намоз ўқиб, рўза тутиб, қўлини дуога очиб, хулқини тўғирлаб, астойдил ният қилса етарли – у таълим оладиган даргоҳнинг эшиклари очилади, Оллоҳ устозларни бу толиби илм учун илтиб қўяди, шартнома пули каби йирик моддий муаммолар ҳал бўлиб бораверади. Бу Оллоҳнинг марҳамати ва лутфи бўлиб, уни фақат самимий, холис иймон эгалари ҳис қиладилар ва баҳраманд бўладилар.

Толиби илм эски либосларни ямаб, ювиб, авайлаб кийиб юриш мумкин, бир бурда нон билан қорин тўйғазиш ва шунга ҳам қаноат қилса бўлади. Яъни айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, моддий муаммоларнинг қиймати йўқ – агар ният рост бўлса, улар ҳал этилади. Энг катта муаммо маънавиятга оиддир. Демокчимизки, толиби илмнинг илм олиш учун ҳамма имконияти бўлади, аммо у бу имкониятлардан унумли фойдалана олмай, исрофгарчиликка йўл қўяди – вақтини беҳуда ўтказиб, илм олиши лозим бўлган қимматли лаҳзаларини бекорчиликка сарф этади.

Бунинг сабаби нима?

Сабаби – нафснинг жиловсиз қолдирилишидир. Риёзат чекмаган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
нафс, қийинчилик ҳис қилмаган нафс, шубҳасиз, қутуриб кетади. Маълумки, нафсни итга қиёслаб келишган. Ит қутурса, эгасини қопади, эшак семирса, эгасини тепади деган мақол ҳам шу каби ҳаётий тажрибалар ҳосиласидир.

Нафс семирса, шубҳасиз, у қутуради, қутургач, албатта, ўз эгасини қопади. Илми толиб илм йўлига киргач, нафсини тизгинсиз, қаровсиз қолдиришга ҳаққи йўқ. Илми толиб нафси билан курашишга маҳкум, шу курашни шараф деб биладиган инсондир. Илми толиб уйқусини, таомини, юриш-туришини, ўй ва ҳаёлларини қатъий назоратга олиши шарт. Акс ҳолда, унинг нафси қутуради, ишларидан барака кетади, хотираси сустлашади.

Шахсий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ёшларимиз берилган сабоқларни кўнгилдагидек ўзлаштира олишмаяпти. Улар илм ўрганишда суслик қилишмоқда, берилган сабоқни мустаҳкамлаш ўрнига мусиқа тинглаш, фильмлар кўриш, “дўстлар” билан сафсата сотиш каби қатор фойдасиз машғулотларга оворадирлар. Дарс қилиш палласида эса чарчаб ухлаб қолишади, сабоқни топшириш чоғида эса уялиб туришади. Кейин эса ўқиган дарсим калламга кирмаяпти, нима учун илм ололмаяпман, менда мотивация йўқ дея нолиб юрадилар. Озгина илмларини ҳамиша кўп кўрсатиб, ўзларидан олим ясаб олган ёшлар ҳам йўқ эмас, ҳатто, бу қабилар керагидан ортиқ топилади. Айниқса, бу каби ёшлар бугун ижтимоий тармоқларда қозилик қилишни севадилар.

Демак, мавжуд муаммо шуки, ёшларнинг илм олишларидаги маънавий тўсиқларнинг сабаби ва ечими қаерда?

Сабаб – нафсининг риёзатсиз қолгани. Шаҳарга келиб илм оламан деб юрган йигитларимиз жисмоний меҳнатдан аксари вақт қочишади, улар кўпроқ соя-салқинда юришни маъқул кўрадилар, минг афсус. Аслида, жисмоний меҳнат нафсни



синдирадиган энг яхши ёрдамчи ва бу ҳол илм олишга бўлган рағбатни кучайтириб, зеркиш ва маъносизликка барҳам беради. Тарихда яшаб ўтган кўплаб алломаларимиз, албатта, жисмоний меҳнатга асосланган бирор иш билан машғул бўлганлари кўпчиликка маълум.

Иккинчидан, толиби илм ўз илмини кўз-кўз қилишга интилмаслиги шарт. Билганларини то устоздан ижозат бўлмагунча, ошқора қилмай тургани маъқул. Чунки илм толибининг илми ошқор қилинса, унинг кибрга тушиб қолиш хатари кучаяди, у ҳали маънан тайёр бўлмагани ҳолда мактов, олқиш, ҳурматни кўриб, илм олишга бўлган рағбати сўниб қолади, чунки у менинг олган илмим етарли бўлибди, бошқасига зарурат йўқ деган хато нуқтада тўхтади.

Учинчи масала том маънода шаръий ва ақида билан ҳам боғлиқ. Илми толибнинг ҳаёли паришон бўлса, бунинг сабаби жинсий шаҳватдир. Кўзларнинг тийилмагани ва мияга минг хил ахборотларнинг ёғилишидир. Ота-боболаримиз мадрасалардан чикмай ўқишарди, бутун бошли китобларни ёд олишарди, шу тарика ўзларида илм ҳосил этишарди, уларнинг қувваи ҳофизаси ўткир бўлган. Бизда эса ахборотлар оқимининг улканлиги

хотирамизни заифлаштиради, тўрт томонимиз аёлларнинг шаҳват уйғотувчи таналари “рекламаси” тошгани ҳаёлларимизни паришон этади, бу эса ўз-ўзидан ёд олишни, тушунишни, фаҳмни қийинлаштиради.

Ушбу мақолани ўқиб турган илм толиблари билсинларки, нафсга қарши курашмай туриб, Оллоҳга астойдил сиғинмай туриб, ниятни тозаламай туриб, ҳеч қачон олим бўла олмайсиз, илмнинг асл мазасини тота билмайсиз.

Илм олиш машаққатлари, уларни енгиб ўтиш ҳақида яна узоқ гапириш, ҳатто, китоб ёзиш мумкин. Бироқ шу ўринда мухтасар қиламиз.

Оллоҳим!

Нафсимизни енгиб, жиловлаб яшашимизни бизга насиб эт. Нафсимизни ит каби қутуриб, қалбимизни “еб” ҳазм қилиб юборишидан бизни қутқар. Илмга бўлган муҳаббатимизни зиёда эт, илм йўлларини чинакам илм маҳбубларига осон қилиб бер!

Ватанимиздаги инсонларни илмга муҳаббатли айла! Барчамизга илмнинг асл ҳайбатини кўрсат!..

Абдуллоҳ Нусрат

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов